

«Тўрақўрғон нефт базаси» МЧЖ  
директори Қ.Рафиқовга

## БИЛДИРГИ

Ушбу орқали Сизга қўйидагиларни маълум қиласман:

«Ўзбекнефтгаз» АЖ Нефти қайта ишлаш, нефткимё, нефт маҳсулотларини сақлаш ва транспортировка қилиш департаментининг 2021 йил 19 январдаги 28-3-08/20-сонли хатида, «Uzbekistan GTL» МЧЖ томонидан тозаланган метан асосида ишлаб чиқарилаётган суюлтирилган синтетик ёқилғисини қабул қилиш, сақлаш ва истеъмолчиларга тарқатиш учун ҳажми 700-1000 м<sup>3</sup> бўлган сифим ажратиш, тозалаш, техник текширишдан ва дефектоскопия кўригидан ўтказиш ва таъмирлаш ишларини бажариш топширилган.

Мазкур топшириқни ижроси бўйича, «Тўрақўрғон нефт базаси» МЧЖ Чуст филиали сифимлар саройида 1993 йилда ўрнатилган 34-сонли РВС-1000 м<sup>3</sup> русумли нефт маҳсулотлари сақлаш сифими танлаб олинган. Мазкур РВС-1000 м<sup>3</sup> русумли 34-сонли нефт маҳсулоти (дизель ёнилғиси) сақлаш сифими «TEX NEFT-GAZ SERVIS» МЧЖ мутахассислари томонидан техник жиҳатдан текшириш ва тўлиқ дефектоскопия кўригидан ўтказиш якунига 2021 йил 24 майда берилган дефектоскопия холосасида, сифимнинг туви ва деворларини ташкил этувчи пўлат листларда емирилишлар ва ёриqlар, қабариқ ва оқмалар, металнинг қаватларга ажралиши, чет пайванд чокларида кўплаб чуқур коррозия ҳолатлари аниқланганлиги сабабли, «Резервуарлардан техник фойдаланиш қоидлари ва уларни таъмирлаш йўриқномаси» талабларига кўра, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мукаммал таъмирлаш-тиклиш ишларини бажармасдан, сифимдан фойдаланиш тақиқланган.

Чуст филиали тасарруфидаги 34-сонли РВС-1000 м<sup>3</sup> русумли резервуарни мукаммал таъмирлаш ишлари корхонанинг 2021 йил мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари режасига киритилган.

Юқоридагиларга кўра, шунингдек, резервуарни мукаммал таъмирлаш жараёнида, унга ўрнатилган ёнфинга қарши кўпик сепиш 2 та ГПС-200 ускунасини янги русумдаги ГПСС-600 ускунасига алмаштириш ва унга хизмат кўрсатиш майдончаларини монтаж қилиш ишларини бажариш лозимлигини инобатга олиб, Чуст филиали тасарруфидаги 34-сонли РВС-1000 м<sup>3</sup> русумли резервуарни мукаммал таъмирлаш ишларига тавсиявий бошлангич лойиҳа-смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва экспертиза холосаси олиш, мазкур мукаммал таъмирлаш ишларини бажаришга белгиланган тартибда танлов ўтказиш ва молиялаштиришга рухсат беришингизни сўрайман.

Ш.Файзиев